

# МИГРАНТЛАР МАЪЛУМОТНОМАСИ

Краснояр ўлкаси





# МИГРАНТЛАР МАЪЛУМОТНОМАСИ

(Краснояр ўлкасига ишлаш учун келган мигрантлар нималарни билиши керак?)



**С. Ф. Холжигитов**

Краснояр ўлкаси ўзбекларининг миллий-маданий автономияси жамоат ташкилоти советининг раиси, физика-математика фанлари номзоди.

## Ассалому алайкум ҳурматли юртдошлар!

Бизлар, кўп йиллар давомида Сибир ўлкасида маҳаллий халқлар билан тинч-тотув яшаб келаётган ўзбекистонликларимиз. Сибир аҳолиси одатда, ҳалол меҳнат қилиб оиласини бокадиган, ота-оналарига қарашадиган ва болаларини тарбиясига яхши эътибор қиладиган, меҳмонларга ҳурмат билан қараб, очик кўнгил билан кутиб оладиган халқлардан биридир.

Чет давлатда кўп вақт бўлганда ва ишлаганда баъзи муаммолар вужудга келиши мумкин шу жумладан; қонунга риоя қилиш, маҳаллий халқ орасида ўзини тутиш, шу жойдаги урф-одатларга ҳурмат билан қарашдир. Юқоридаги муаммоларни вужудга келмаслиги учун ва пайдо бўлган муаммоларни осонлик билан ҳал қилинишига ёрдам бериш мақсадида Сизлар учун ушбу маълумотнома тайёрланди.

«Справочник мигранта (Что должен знать трудовой мигрант, приезжающий в Красноярский край) является некоммерческим проектом в рамках государственной программы Красноярского края «Укрепление единства российской нации и этнокультурное развитие народов Красноярского края». Данное издание направлено на адаптацию иностранных трудовых мигрантов на территории Красноярского края.

© Составители: Управление общественных связей Губернатора Красноярского края, представители национально-культурных организаций, научного и экспертного сообщества Красноярского края.  
Отзывы и замечания просим направлять по адресу: uos@krskstate.ru

Мабода Сизларнинг ҳаётингизда кийинчиликлар пайдо бўлса, Биз хаамиша ёрдам беришга ҳозирмиз. Бигза қуйидаги телефонлар орқали муурожаат қилишингиз мумкин:


Краснояр ўлкаси ўзбекларининг миллий-маданий автономияси жамоат ташкилоти советининг раиси физика-математика фанлари номзоди **Холжигитов Саитмурот Фармонович**,  
тел. 8 902 940 18 07.

Краснояр ўлкаси ўзбекларининг миллий-маданий автономияси жамоат ташкилоти юристи **Шаитбаев Ермухамат Абдушукурович**,  
тел. +7 983 296 00 04  
660077, Краснояр шаҳри, Молокова кучаси, уй 1/1,  
адреси: [skf58@mail.ru](mailto:skf58@mail.ru)



## Краснояр ўлкаси тўғрисида қисқа маълумотлар

Краснояр ўлкаси шарқий Сибирда жойлашган бўлиб, Россия федерал марказидан анча узоқ масофада туради. Бизнинг ўлка ўзининг жуда катта ҳудуди билан ажралиб туради ва кўпчилик СНГ давлатлари ҳудуди ўлка ҳудудидан бир неча баробар кичикдир. Краснояр ўлкаси ҳудудининг ҳажми Қозоқистон Республикаси ҳудудига тенглашади ва айни пайтда Ўзбекистон







Республикаси худудидан 5,2 марта, Қирғизистон Республикасидан 12 марта, Тожикистон Республикасидан 16,6 марта, Озарбойжон Республикасидан 27 марта ва Арманистон Республикасидан 79,5 марта каттадир.

Краснояр ўлкасининг шимолий қисмида об-ҳаво шароити оғир бўлганлигидан жуда кам одамлар яшайди. Бу ерларда қиш мавсумида ҳаво - 60 °С гача совуқ бўлади. Оғир иқлим шароитлари бўлса ҳам, Краснояр ўлкаси давлат учун жуда ахамиятли ўлкалардан биридир чунки, бу ўлкада турли ва катта ҳажмдаги фойдали қазилма бойликлар жойлашган. Шунинг асосида, бу қазилма бойликлар саноат корхоналари, шаҳарлар ривожланишига асос бўлади.

Краснояр ўлкаси худудида рус миллат вакиллари 90% ташкил этади. Сибиряклар алоҳида миллий гуруҳни ташкил этмайдилар, аммо баъзи бир хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туради. Бу хусусиятлар оғир иқлим шароитидан пайдо бўлган деб ҳисоблашади. Сибиряклар чидамли ва соғлом, тиришқоқ, иродали, мағрур, эркинликни қадрловчи ва бошқа хусусиятлари билан характерланади (Сибирда илгаридан одамлар ҳуқуқини чеклаш «куллик ҳуқуқи» бўлмаган). Россияда сибирликлар ҳарбий қобилияти жуда қадрланган ва сибирликлардан ташкил топган ҳарбий отрядлар ўзининг жанговорлиги билан машҳурдир. Сибирликлар жуда ҳам ватанпарвар ва хамиша Россия давлатининг содиқ ҳимоячиларидир.

Краснояр улқаси аҳолиси иштрок этган совет қўшинлари сибир дивизияларининг, немис-фашист босқинчиларидан Москвани ҳимоя қилишда асосий мудофаа ролини бажарганлиги қайд этилган ва бу факт сибирликлар ғуруридир.

Сибирликларнинг яхши одатларидан бири миллатлар ҳамдўстлиги ва диний хайрихоҳликдир. Ҳозирги пайтда Краснояр ўлкасида 159 миллат вакиллари тинч-тотув яшамоқда. Бу миллатларга давлат томонидан ахамият берилиб, ёрдам кўрсатилмоқда. Ўлкада 90дан ортиқ миллий-маъданий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилотларнинг асосий йўналиши ўз миллати маданий хусусиятларини, тилини ва урф-одатларини йўқотмаслик ҳамда мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Ўлкада мусулмонлар, иудейлар, буддистлар, католиклар ва бошқа диний эътиқод вакиллари яшайди.

## Жамоат тартибини сақлаш қоидаларига риоя қилишга баъзи тавсиялар

Ҳурматли меҳмонлар марҳамат қилиб шуни ёдда тутингки, Краснояр ўлкасига келиб Сизлар ўлкадаги маҳаллий халқ билан биргаликда улар вужудга келтирган саноат, ижтимоий, маданий қулайликлардан ҳамда меҳнат қилиш имкониятидан фойдалана оласиз. Маҳаллий халқ урф-одатлари ва ахлоқига ҳурмат билан қараш керакдир. Ўзингиз яшаб ўрганган ҳаёт қоидаларини ўрнатишга уринишнинг ҳождати йўқдир.

Рус халқи ўз атрофидаги бошқа халқларга ҳурмат билан қарайди. Худди шунингдек, бу халқ ўз урф-одатлари, ҳаёт услубини қадрлайди ҳамда бир неча юз йиллар давомида ҳимоя қилиб келатган ватан тушунчаси қадрини энг юксак даражада баҳолайди. Рус кишиларининг ички маънавий дунёсини энг муҳим томонларидан бири- ҳаққонийликдир, шунинг учун Сибир халқи урф-одатларини ҳурмат қилсак, баъзи бир салбий ҳодисаларга олиб келмайди. Бу салбий ҳодисаларни олдиндан иложи борича вужудга келтирмаслик керак.



## Умумий тавсиялар

- рус тилини ўрганиб билим даражангизни оширинг;

- маҳаллий аҳоли билан та-нишинг ва ижтимоий алоқаларни кенгайтиринг. Бу нарса атрофингиздаги одамларни яхши тушу-шингизга ёрдам беради ва пайдо бўлган муаммоларни тез ҳал қи-лади;

- маҳаллий миллий жами-ятлар билан алоқа ўрнатинг. Бу жамият раҳбарлари маҳаллий ху-кумат раҳбарлари билан ўз фаолияти давомида алоқада бўла-ди, мигрантларда учрайдиган муаммолардан хабардор, Сизга ёрдам беришга тайёрдир ва ҳукумат вакиллари олдида Сизнинг вакилингиз бўлиб хизмат кўрсатиши мумкин;

- жинсий гуруҳлар, экстремистик ташкилотлар билан ҳеч қанақа муносабатлар қилманг, улар сизнинг муаммоларингиз-ни қонуний тарзда ҳеч қачон ҳал этолмайди. Агарда Сизнинг экстремистик ташкилотлар билан алоқангиз аниқлан-са барча маҳаллий халқлар ва юртдошларингиз сизга қарши бўлади. Ёдда тутинг ҳаётдаги қийинчиликлар ҳамма учун бир хил, бундан фақат ҳалол меҳнат қилиб қийинчиликдан чиқилади. Бойлик, обрў ва ишонч ко-зониш учун маълум дара-жада вақт керак. Дўстлар ва уларнинг ёрдамини дои-мо тўғри юрвчи ва ҳурмат-га лойиқ инсонлар ораси-дан излаш керак.



## Шахслар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим томонлари:

- маҳаллий халқ билан қўшни бўлиб яшаб турганда илиқ инсоний муносабатларни ўрнатиш учун учрашганда иложи бо-рича саломлашиш керак. Қарияларга ва ёш болаларга ёрдам қилиш керак, Сизнинг яшаш жойингизда ва жамоат жойлари-да тартиб ва тозаликни сақлаш керак. Тоза ва яхши кийимлар кийиб юриш ҳам атрофдагиларни ҳурматини оширади. Россия халқларида шундай гап бор: Кийимига қараб кутиб олади, ақ-лига қараб кузатилади. Меҳнатқаш ва доим ишлаб юрадиган одамлар ишончга тез киради;

- руслар маданиятида нафақат қарияларга ва балки аёлларга ҳам ҳурмат билан муносабатда бўлиш-га одатланган. Аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқга эга ва жамо-ат ишларида фаол катнашади. Ҳуқуқлари тенг бўлишига қара-масдан, эркаклар аёлларга нисба-тан алоҳида ҳурмат билан қарай-ди. Масалан, дуч келганда йўл беришади, транспортда жой бе-ришади. Шу қоидаларга риоя қил-маслик атрофингиздагиларнинг қарама-қаршилигига олиб келади. Байрамларда эркаклар ва аёллар битта столда ўтиришади ёки уларнинг алоҳида ўтириши одат-дан эмас. Аёлларга тик қараб туриш одобсизлик ҳисобланади.





Жамоа йиғилганда баданни тўлиқ ёпмайдиган кийимда юриш мақулланмаса ҳам бунга алоҳида эътибор бериш керак эмас, яхшиси бошқа томонларга қараб туриш лозимдир. Ҳаддидан ошиқ очик кийимлар кийиш: диний жойларда, ишда, маъмурий биноларда, урф-одатлари тўғри келмайдиган одамлар уйига меҳмондорчиликка борганда одобдан эмас;

● жамоат жойларида хусусан: паркларда, кафеда, кинотеатрда, кўчада, транспортда юрганда, телефонда қаттиқ гаплашиш одоб доирасига кирмайди. Автомобилдан ёки квартирадан чиқаётган баланд овоздаги миллий музыкалар маҳаллий аҳолининг нафратини қўзғатиши мумкин;



● маҳаллий халқ орасида юрганда ҳатто ўзаро гаплар ҳам русча бўлиши керак;

● кўчада нотаниш одамлар билан учрашганда уларнинг кўзига тиклаб қараш ҳам агрессия деб баҳоланиши мумкин. Аммо алоҳида гаплашганда, айниқса ҳаёт муаммолари саволига жавоб бераётганда очик юз билан қараш яхши деб баҳоланади;

● нотаниш одам билан учрашганда кўзига тик қараш туфайли ноқулай вазият вужудга келса, ўша одамга очик юз билан қараб саломлашиш керак ёки бирор енгил ёқимли сўз айтиш керак. Мана шу ахлоқий фазилатни намоён қилган одам ўзини камситган бўлмайди, ҳаётини донолик хислатини намоён қилган бўлади;

● жамоат жойларида, автотранспорт тўхташ жойида, болалар ўйнайдиган майдончаларда, баланд уйларни зинапояларда ва бошқа жойларда чекиш мумкин эмас;

● жамоат жойларида шу жумладан: кўчада, паркда спиртли ичимликлар ичиш ман этилади. Жамоат жойларида маст ҳолда юриш кўпчилик нафратини келтиради;

● носвой ва бошқа наркотик моддаларни чекиш ва истеъмол қилиш тақиқланади.

## Конфликтли ҳолатлар пайдо бўлганда нима қилса бўлади?


● Агарда уй шароитларида конфликт пайдо бўлганда, буни куч ишлатиб ёки қаттиқ сўзлаб ҳал қилиш нотўғридир худди шуниндек, бу ҳолатдан чиқиш учун одамларни тўплаш ҳам керакмас. Нима учун деганда конфликтда қатнашувчи одамлар сони қанча кўп бўлса, шунчалик жанжал кучайиш эҳтимолияти ошади. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, маҳаллий аҳолини тарафдорлари пайдо бўлиб, конфликт кучайиб кетиши мумкин. Шунини эсда сақлаш керакки, ҳар бир халқ ичида маданиятсиз, жанжалкаш ва ёмон одамлар бўлади. Уларнинг нотўғри ҳулқлари жамият томонидан қораланади. Мана шундай ҳолат юзга келганда ҳатто Сиз тўғри бўлсангиз ҳам, жамоат тартибини бузган одамлар даражасига тушасиз ва жамоат Сизни ҳам ўша тартиббузар билан бирга қўшиб қоралайди;

● уй шароитларида пайдо бўлган мажоралар узоқ вақт давом этадиган бўлса, ҳеч кимни ёнини олмайдиган (нейтраль) ўртага тушадиган одамларга мурожаат қилиш керак. Бундай кишилар сифатида миллий диаспора вакили ёки сизни яхши биладиган маҳаллий халқ вакилини қараш мумкин. Бундай кишилар жумласига Сизга иш топиб берган одамлар ёки Сизни яхши биладиган қўшнилари киради. Мабодо Сизнинг ҳаётингизга, соғлиғингизга ва миллий ғурурингизга тегадиган хавф пайдо бўлса, ҳуқуқни қўриқлаш ташкилотларига мурожаат қилиш керак;

● агарда келишмовчиликлар ёш болалар ўртасида пайдо бўлса, шу жумладан ҳар хил миллатли ёш болалар ўртасида, буни албатта ота-оналарни иштирокида ҳал қилиш керак,




хеч қачон алоҳида ўзингиз ҳал қилиб ким ноҳақ бўлса ўшани жазолаж мутлақо нотўғридир. Бундай ҳолатларни ҳал қилиш мураккаблашиб кетса, албатта ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишингиз керак;



- конфликтли ҳолатлар автотранспортда ёки йўлларда вужудга келса, бу ишни бошидан кучайтирмасдан озгина муомила

қилсангиз, ақл билан йўл тутган бўласиз. Ҳамиша шуни эсда тутиш керакки, хаяжонланган ҳолатда ақл-идрок билан иш тутса, у одам ўзини вақтини бекорга кетказмайди, яхши кайфиятини сақлаб қолади ва ачинарли ҳолатларга олиб борадиган йўлдан узоқлашади. Йўлларда авария содир бўлганда, хеч қачон Сизга таниш кишиларга мурожаат қилманг, бу нарса конфликтни кучайишига олиб келади. Бундай конфликтларни ўз мутахассислари ҳал қилиши керак (авария комиссари, ГИБДД, адвокат, суд);



- руслар маданиятида садақа қилинган ҳайвонни сўйиш одатлари йўқдир. Ислом динига риоя қиладиган кишилар болалар олдида ва жамоат жойларида садақа қилинган ҳайвонларни сўйиши

яхши эмас. Красноярск шаҳрида ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларда ҳайвонларни сўядиган махсус жойлар мавжуд;

- ҳар қандай қийин ҳаётингиз вазиятларда ҳам шуни унут-

маслик керакки, Сибир ўлкасидаги ҳаётингизда Сизнинг асосий мақсадингиз; ўзингизга ва оила аъзоларингиз учун ҳалол ишлаб пул топиш, тўғри бизнесни йўлга қўйиш, жамиятда ҳурматли одам бўлиб ўз ўрнини топишдир. Сизнинг ҳаракатларингиз ўзингизнинг яхши мақсадингизни амалга оширишига ҳалакит бермаслиги керак. Тўғри йўлдан юриб, ҳалол пул ишлаб топсангиз, қонун ва жамоат фикри ҳамиша Сизни оқлайди.



## Ёрдамга муҳтож бўлсангиз ва тушунмовчиликларга дуч келсангиз қайси жойларга мурожаат қилишингиз керак?

**Фавқулоддан ташқари ҳолат юз берганда ва тез тиббий ёрдамни олиш учун** - тез ёрдам хизмати телефони: 112

**Россия Ички Ишлар Министрилиги Давлат Бошқармасининг Краснояр ўлкасидаги миграция масалалари бўйича Бошқармаси:** 660020, г. Красноярск, ул. Мужества, 2

**Чет эл граждандарига ва граждандлик ҳуқуқи йўқ шахсларига, вақтинчалик яшаш (РВП) ва доимлий яшаш масалалари бўйича:** 8 (391) 229-56-56, 229-56-62, 229-56-58.

**Чет эл граждандарига ишлаш учун рухсат олиш масалалари бўйича:** 8 (391) 229-56-32, 229-56-36, 229-56-37.

**Автобуслар номери:** №2, 9, 43, 55, тўхташ жойи «Мужества»  
**Бошқа автобус №64, 155, тўхташ жойи «Березина»** (Шахтеров кўчасида).

**Муслмонлар илохий масалалари бўйича** – Краснояр ўлкаси муслмонларининг илохий бирлашув Бошқармаси: 8 (391) 245-51-00.

**Конунга қарши ҳаракатларни олдини олиш масалалари бўйича, жиноят содир бўлганда** – Россия Ички Ишлар министрилиги Бош бошқармасининг Краснояр ўлкаси бўйича ишонг телефони: 8 (391) 245-96-46.

**Экстремизм ва террорчилик фаориятларини олдини олиш бўйича** – Россия Федерацияси давлат хавфсизлиги Бошқармасининг Краснояр ўлкаси бўйича ишонг телефони: 8 (391) 299-06-20.

**Раҳмат. Ҳамма яхши тилаклар  
Сизга ёр бўлсин!**



# Административно-территориальное устройство Красноярского края



## КРАСНОЯРСКИЙ КРАЙ

Координаты в России: 51° 48' и 77° 41' с.ш.

Центр — г. Красноярск (937,1 тыс. чел.)

Дата образования края — 7.12.1934 г.

Территория — 2 339,7 тыс. кв. км

Население, всего — 2 890,3 тыс. чел.,  
в т.ч. городское — 2 192,3 тыс. чел.,  
сельское — 698,0 тыс. чел.

Средняя плотность населения — 1,3 чел./кв. км

Районов — 44, городов — 23, рабочих поселков — 41,

сельских администраций — 486,

сельских населенных пунктов — 1 702.

## ТАЙМЫРСКИЙ ДОЛГАНО-НЕНЕЦКИЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ РАЙОН

Центр — г. Дудинка (23,4 тыс. чел.)

Дата образования — 10.12.1930 г.

Территория — 862,1 тыс. кв. км

Население, всего — 37,8 тыс. чел.,  
в т.ч. городское — 25,1 тыс. чел.,  
сельское — 12,7 тыс. чел.

Средняя плотность населения — 0,04 чел./кв. км

Городов — 1, рабочих поселков — 1,

сельских администраций — 4,

сельских населенных пунктов — 27.

## ЭВЕНСКИЙ МУНИЦИПАЛЬНЫЙ РАЙОН

Центр — пгт Тура (5,5 тыс. чел.)

Дата образования — 10.12.1930 г.

Территория — 667,7 тыс. кв. км

Население, всего — 16,7 тыс. чел.,  
в т.ч. городское — 5,5 тыс. чел.,  
сельское — 11,2 тыс. чел.

Средняя плотность населения — 0,03 чел./кв. км

Рабочих поселков — 1,

сельских администраций — 22,

сельских населенных пунктов — 26.

Статистические данные  
и административно-территориальное деление  
Красноярского края приводятся по состоянию на 1.01.2008 г.